

Фикрда, илму ижода, дунени илрок қилишда. Ватани илмон билан севишда мумтоз боболаримиз анъаналарини мардона давом эттиришимиз, улар етолмаган тараққиёт чуққиларини эгаллашимиз даркор.

Испом КАРИМОВ

1931 йилдан чиқа бошлаган

1998 йил 22 июль, чоршанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 54 (7051)

Анджон вилоятидаги «ЎзДЭУавто» заводи маъмурияти ўз ходимлари фарзандларига дарсликлар ва ўқув адабиётлари сотиб олишга қарор қилди.

Мустақиллигимизнинг 7 йиллик тўғига 40 кун қолди



1997 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Устоз» республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида» Қарори эълон қилинди.

1998 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида» Қарор қабул қилди.

1998 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида» Қарори эълон қилинди.

1998 йил 28 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантиришни ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди.

17 июль кунини Киргизистоннинг Чулпон Ота шаҳрида Қозоғистон Республикаси, Киргизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлатлараро Кенгагининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ИНТЕГРАЦИЯНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

бундан буёнги алоқаларнинг долзарб масалалари муҳокама этилди. Музокаралар якунига кура, Қозоғистон Республикаси, Киргизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси уртасида

фавқулодда вазиятларни оғоҳлантириш ва уларни тугатиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим, Ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги Шартномада иштирок этувчи Марказий Осиё давлатлари минтақа бирлашмаси

номини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарор, Ягона иқтисодий ҳудудни барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг беш йиллиги муносабати билан тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги қарорлар имзоланди. Давлатлараро Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Утқир Султонов иштирок этди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги

«Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.

Abituriyent-98



Назаримизда, ҳар қандай ҳаяжонли онлардан абитуриентнинг бирор ўқув юртига ҳужжат топшираётган пайтдаги кечинмалари ўзгача бўлади. Билим олишга қарор қилган йигит-қизнинг қалбидаги ташналик гўёки ана шу ҳаяжон билан омухта бўлиб кетади-да, уни парвозга ундайди.

да. Бу йил мамлакатимиздаги 34 та олий ўқув юртлири ўз бағрини янги талабалар ҳисобига янада кенгайтиради. Ўрта махсус ўқув юртиларининг сони ҳам бундан кам бўлмаса керак.

Суратларда: 1. Коллежга абитуриент қизлар ҳужжат топшираётганлар... 2. 45 йиллик меҳнат стажига эга доцент Барно Рашидова коллеж талабалари даврасида.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар

Абитуриентлар учун интизорлик билан кутилган дамлар етиб келди. Шу ҳафтада барча ўрта махсус ўқув юртиларига ҳужжатлар қабул қилиш якунланмоқ-

да. Республика хотин-қизлар педагогика коллежига кириб ўқишга даъвогарлар «оқиб» кела бошладилар. Республика миқёсдаги турли вилоятларидан келиб бу ерда тахсил олаётган 300 нафар талаба қизларга ҳавас билан қараётган абитуриентлар-

тетининг рус гуруҳларига ҳар бир жой учун 4-5 талабгор мавжуд.

ТАРИХГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Бир ўринга 20 абитуриент давогар

Ўтган кунини республикадаги барча олий ўқув юртлири шомга қадар ҳам ҳужжат топширувчи абитуриентлар билан гавжум бўлди. Чунки ўша кунини бу йилги ҳужжатлар қабулининг сўнги кунини эди. Муҳаббатимиз Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида бўлиб, университет қабул комиссиясининг маъсул котиби Рустам Қобиров билан худди шу мавзуда суҳбатлашди.

абитуриентлардан ҳужжат қабул қилаётган маъсул ўқитувчиларимиз кўли-кўлига тегмади ҳисоби. Мана, ўзингиз ҳам кўриб турибсиз. Охириги кун, кеч соат бешга яқинлашганига қарамадан абитуриентлар ҳамон гавжум. Лекин, биз бугун уларнинг барчаси билан суҳбатлашшга, ҳужжатларини қабул қилишга ҳаракат қила-миз.

ижтимоий гуманитар фанларга бу йил ҳам талабгорлар кўп. Масалан, тарих факультетида бир ўринга 20 та, ўзбек ва қозоқ филологиясига бир ўринга 13-14, «Бошланғич таълим ва услубий-ти» факультетида бир ўринга 10-11 та, роман-герман филологияси бўлимида 7-8 тадан абитуриент тўғри келаяпти.

— Ҳужжатлар қабули жараёнида асосан нималарга эътибор бердингизлар?

— Бир ой давомида ҳар бир ихтисослик бўйича маслаҳатчи-консультантларимиз абитуриентлар билан иш олиб борди. Улар керакли маслаҳатларни, йўл-йўриқларни абитуриентлардан аямдилар.

Ҳужжат қабул қилиш жараёнида биз энг аввало, абитуриентларнинг қизиқишларини ҳисобга олдик. Ундан ташқари, мактаблардаги иқтидорли ва ўқитувчиликка қобилияти бўлган ўқувчиларга хат юбориб, уларни университетимизга тақлиф қилганмиз. Ишонаманки, улар тест синовларидан муваффақиятли ўтадилар. Умуман, билими пухта, ижодий фикрлай оладиган, қобилиятли абитуриентларимиз талабалик бахтига муяссар бўлишлари шубҳасиз.

З. УСМОНОВА

ЎҚУВЧИ ҲАМ ОЙЛИК ОЛАДИ

Барчага маълумки, кейинги йилларда ўқувчиларимизнинг билимга бўлган муносабати ўзгариб кетди. Бунинг неботи сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ. Ҳозирда «ЎзДЭУ» о'рта мактабининг иншо, ше'р, hikoya ва очерк yozishida энг yaxshi natijaga erishgan o'quvchilariga mukofot ta'sis etildi. Barchinoy Jumanova, Iroda Erkayeva, Nafisa Ernazarova soh'ibabi bo'lgan ushbu mukofot har yili Navro'z bayrami kunlarida topshiriladigan bo'ldi.

жалб қилинган. Ёшларимиз асосан бу тугаракларда миллий ҳунармандчиликнинг сир-синоатларини устозлардан мукаммал ўрганишда ҳамда уни амалга оширишда иштирок этишди. Тугаракларга катновчи ёшлар ҳар ойда моддий рағбатлантириб борилаётган. Ушбу маъмул яқинда ўз ҳисоб рақамини очди. Шу боисдан ҳам бундан кейин тугарак аъзоларининг бажарган ишларига қараб ойлик белгилаймиз.

1998 йил — Ойла йилида марказимиз ташаббуси билан мактабларда «Ўзбекистон қўшиқлар байрами», «Иқтидорли ўқувчилар», «Қартинг», «Табият кеча, бугун, эртага», «Табият инъомлари», «Йил тугарак раҳбари», «Йил етакчиси» каби қурик-танловлар ўтказилди. Тадбирларимизда эса биз қисман бўлса ҳам ўз олимимизга куйган максалларга эришдик. Негаки, шу қурик-танловлар орқали янгидан-янги иқтидорли ўқувчиларни кашф қилдик. Улар ижодини туман ва вилоят нашрларида эълон қилиб, кенг омма-лаштирдик. Жумладан, тугаракимиз аъзолари Бобомурод Жумаев, Ҳилола Эшонқуллова, Хидоят Уроқова, Асқар

ЁШ ОЛИМЛАР СЕМИНАРИ

Кунини кеча Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида «Жамиятимиз мафқураси халқини—халқ, миллиятини—миллат қилсин» мавзусида семинар иш бошланди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбасари Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ҳамкорликда ташкил этган бу семинар ёш олимлар учун муҳим ҳисобланадиган бўлиб, маънавий шаклланишида оиланинг роли, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари, шахс камолотида, баркамол инсон тарбиясида оила ва жамиятнинг вазифалари ва бошқа мавзулар доирасидаги чиқишлар, фикр алмашиш ва муқоёса қилиш масалалари кўзда тутилган.

Ёш олимлар семинарининг машғулотларида асосан ёш олимлар, мунозараларда эса, йирик педагог олимлар фикр-мулоҳазалари билан қатнашмоқда.

Дилноза ГУЛБОЕВА



ЮРТНИ МЕДАЛЛИ ҚИЛГАН ЎСМИРЛАР

Яқинда Москвада Биринчи Жаҳон ўсмирлар ўйинлари бўлиб ўтганидан хабарингиз бўлса керак. Унда Мустақил Валқарининг шарафини ҳимоя қилган юртдошларимизнинг қўлга киритган ютуқларидан-чи? Мана, бўлмаса билиб олинг. Биринчи Жаҳон ўсмирлар ўйинларида Ўзбекистондан 105 нафар ёш спортчи иштирок этди. Республика олимпия кумитаси билим юрти талабаларидан З.Саидов, Х.Холдоров, Ж.Абдурахмоновлар спортнинг эркин кураш тури бўйича бронза ва кумуш медалларни қўлга киритдилар. Уларнинг тендоши Дилшод Мансуров эса олтин медални қўлга киритиб, юртимиз шарафига шараф қўшди.

Халқ таълими вазири Жаҳоннинг «Ёшлик» жамияти аъзолари С.Наврўзов ва Д.Здориковлар Юнон-рум кураши, дзюдо бўйича кумуш ва бронза медали соҳиб бўлишди. Ушбу жамиятнинг аъзолари М.Иноятова ва С.Бурхонхужаевлар стол теннис мусобақаларида фаол иштирок этиб, ҳар жуфтликда иккитадан бронза медални қўлга киритишди. Теннисчиларимиз дунё томошабинларига узларнинг техник жиҳатдан юксак даражада тайёрлиги ва қўлининг қўлини намойиш қилишди. Айниқса, Ирода Тулаганова ва Луиза

Бектяковлар узларининг чаққонлиги, зийраклиги билан йиғилганлари лол қолдириди. Ирода Москва ўйинларига тушпа-туғри Англиядан самолетада учиб келди. У Буюк Британияда бўлиб ўтган турнирдаги жуфтликда кумуш медални қўлга киритган эди. Жаҳон ўсмирлар ўйинларидаги иккита учрашувда ҳам галаба қозонди. Хуллас, ёш спортчиларимиз Москвадан утга кумуш, олтинга бронза ва бир олтин медални қўқсиларига тақиб, қалларини роз тутганча, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб қайтидилар.

Н. ОЧИЛОВ

Journalist nomidagi mukofot
Keksa jurnalist, «EKOSAN» jamg'armasi Urganch tumani bo'limi direktori Qodir Ali Matchonovning tashabbusi bilan o'zi o'igan «Orzu» o'rta maktabining insho, she'r, hikoya va ocherk yozishida eng yaxshi natijaga erishgan o'quvchilariga mukofot ta'sis etildi.

Darslik uchun — 200 ming so'm
O'zbekiston ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasining Jizzax viloyat qo'mitasi (rais) Shirin Chilg'ashev viloyatdagi kam ta'minlangan oilalar farzandlari uchun 200 ming so'm ajratdi.

«So'g'diyona» Germaniyada
Yaqinda Germaniyada jahon musiqashunoslarining VIII xalqaro festivali bo'lib o'tdi. Unda yurtimiz vakillari — Toshkent davlat konservatoriyasi o'qituvchisi F. Abdurahimova boshchiligidagi «So'g'diyona» kamer orkestri qatnashib, juri hay'atining maxsus diplomiga sazovor bo'lishdi.

Berdaq to'yiga sovg'a
Bo'zatov tumani markazida davlat mablag'i hisobidan uch qavatli 844 o'rinni yangi maktab qurilishi jadal sur'atlar bilan olib borilayapti. Yangi maktab binosi mustaqillikning 7 yilligi arafasida topshirildi.

Kam ta'minlangan oilalarga yordam
Yangi 1998-99 o'quv yilida maktab darsliklarining pulli bo'lganligi ayrim ehtiyojmand oilalarni bir oz o'ylantirib qo'ygan edi.

ЎТМИШ САБОФИ

Хар бир давлатнинг тарихи нафақат унинг ўтмиши ва ҳозирги, балки келажигини ҳам белгиловчи асосий омиллардан бири. Демак, тарихнинг қанчалик ҳолис ва ҳаққоний аке эгитилишининг маълум бир давлат мавжудлигини таъминлашдаги урни беқиёс. Мамлакатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг тарихчи олимлар ва мутахассислар билан бўлган учрашувида айтган фикр-мулоҳазалари, таклифларида айнан шундай ёндашув устиворлик қилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида тарих фани мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган йилги таълим мамлакатимиз раҳбарининг ўшбу учрашувида айтиб ўтган таълим-мулоҳазалари асосида тарих фани бўйича дастур ва дарсликларни қайта тайёрлаш ва такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

— Маълумки, Республика Президентини Ислоҳ Каримов 1 июлда тарихчи олимлар билан қилган суҳбатда Ўзбекистон тарихи бўйича узининг янги гоъларини баён этди. - деди халқ таълими вазирининг биринчи уринбосари Йўлдош Саиджонов. — Ҳозирда амалда бўлган дастур ва дарсликларни ана шу гоълар, ёндашувлар асосида қайта қуриб чиқиш бугунги кундаги кечиктириб бўлмайдиган вазифамиз. Бугун сизлар билан бу борала

олиб бориладиган ишларимиз мазмунини белгилаб олишимиз даркор.

Йилги таълим мамлакатимиз раҳбарининг ўшбу учрашувида айтиб ўтган таълим-мулоҳазалари асосида тарих фани бўйича дастур ва дарсликларни қайта тайёрлаш ва такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

— Маълумки, Республика Президентини Ислоҳ Каримов 1 июлда тарихчи олимлар билан қилган суҳбатда Ўзбекистон тарихи бўйича узининг янги гоъларини баён этди. - деди халқ таълими вазирининг биринчи уринбосари Йўлдош Саиджонов. — Ҳозирда амалда бўлган дастур ва дарсликларни ана шу гоълар, ёндашувлар асосида қайта қуриб чиқиш бугунги кундаги кечиктириб бўлмайдиган вазифамиз. Бугун сизлар билан бу борала

Мухбиримиз

Кўзгуда — Сирдарё вилояти

Сирдарё вилояти худудидан 9 туман ва 4 шаҳар мавжуд. Вилоятдан 1997 йили ўқининг барча турига жами 5413 абитуриент хужжат топширган. Олий ўқув юртининг кундузги бўлимида 2263 киши ўқини истагани билдирган. Бу Республика вилоятлари орасида энг паст кўрсаткич

ҳисобланади. Чунки таҳминан Сирдарё вилоятига тенг келадиган Навоий вилоятида бу кўрсаткич 2 баравар кўндр.

Сирдарё вилоятида барча фанлар бўйича жавоблар самардорлиги умумий республика кўрсаткичидан паст бўлган.

Шароф Рашидов (она

тили ва адабиети, физика, биология, тарих), Ховос (она тили ва адабиети, биология, тарих) туманлари нисбатан юқори кўрсаткичларга эришганлар. Вилоятнинг қолган туман ва шаҳарлари бўйича абитуриентлар жавобларининг самардорлиги кўрсаткичи Республика даражасидан анча паст эканлиги аниқланган.

Вилоят она тили ва адабиетдан 6%, математикадан 12%, биологиядан 13%, кимёдан 8%, инглиз тилидан 7% умумреспублика кўрсаткичидан ор-қала қолган.

Тест натижалари вилоят ва туман халқ таълими бошқармалари ва бўлимларида асосий таҳлил этилиши ва тегишли хулосалар чиқарилиши керак.

DTM tahlili

Фанлар	Сирдарё вилояти бўйича жавоблар самардорлиги (%)	Республиканинг ўртача кўрсаткичи (%)
Ўзбек тили ва адабиети	37,40	43,41
тарих	46,22	49,75
математика	28,40	40,87
физика	25,30	29,26
биология	40,90	53,39
химия	32,90	40,73
география	39,40	43,47
инглиз тили	33,60	40,63
немис тили	25,70	27,94
француз тили	25,40	31,08

* Ўшбу кўрсаткичлар қуйида жадвал шаклида берилган.

Сирдарё вилояти бўйича жавоблар самардорлиги

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача нобисбатлар		Олий ўқув юртилари (кундузги бўлими)		Олий ўқув юртилари (сартми бўлими)		Ўрта маъсуф ўқув юртилари	
		Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик
1	Сирдарё тумани	454	35,9	120	34,7	20	32,9	314	36,6
2	Ховос тумани	518	39,9	193	42,8	47	42,3	278	37,4
3	Гулистон тумани	637	37,1	260	37,3	63	38,5	314	36,6
4	Сайхўноб тумани	536	34,9	203	35,3	31	35,1	302	34,7
5	Шароф Рашидов тумани	373	41,9	174	43,4	22	43,3	177	40,2
6	Бовёв тумани	609	37,2	242	38,9	53	41,6	314	35,2
7	Мирзаобод тумани	298	35,7	105	35,7	32	40,5	161	34,7
8	Меҳнатобод тумани	125	38,5	46	39,4	7	46,8	72	37,1
9	Оқолтин тумани	297	35,8	92	37,5	23	43,5	182	34,6
10	Сирдарё шаҳри	99	35,6	35	34,4	12	30,3	52	37,0
11	Янгийер шаҳри	234	38,5	102	39,7	25	38,3	107	37,4
12	Ширин шаҳри	70	41,9	22	42,9	7	46,0	41	40,7
13	Гулистон шаҳри	447	36,8	224	37,6	97	37,9	126	34,4
Жами		4697	37,4	1818	38,5	439	39,3	2440	36,2

Сирдарё вилояти бўйича жавоблар самардорлиги

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача нобисбатлар		Олий ўқув юртилари (кундузги бўлими)		Олий ўқув юртилари (сартми бўлими)		Ўрта маъсуф ўқув юртилари	
		Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик
1	Сирдарё тумани	231	26,3	64	33,0	14	32,1	153	23,0
2	Ховос тумани	247	28,9	87	38,5	25	28,8	135	22,8
3	Гулистон тумани	256	26,9	110	29,5	47	26,3	99	24,3
4	Сайхўноб тумани	256	26,9	84	32,5	25	25,9	147	23,8
5	Шароф Рашидов тумани	124	29,3	57	34,8	10	29,7	57	23,8
6	Бовёв тумани	257	28,9	92	34,1	40	33,4	125	23,6
7	Мирзаобод тумани	115	29,3	49	34,1	23	30,8	43	22,9
8	Меҳнатобод тумани	58	26,1	20	33,5	5	26,7	33	21,5
9	Оқолтин тумани	144	26,8	38	34,4	14	32,1	92	22,8
10	Сирдарё шаҳри	56	26,6	14	31,2	11	31,6	31	26,3
11	Янгийер шаҳри	97	29,4	36	34,0	20	35,7	41	22,3
12	Ширин шаҳри	49	28,0	13	42,3	4	25,0	32	22,6
13	Гулистон шаҳри	234	33,1	95	35,6	76	33,0	63	29,3
Жами		2124	28,4	759	34,0	314	30,7	1051	23,7

Сирдарё вилояти бўйича жавоблар самардорлиги

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача нобисбатлар		Олий ўқув юртилари (кундузги бўлими)		Олий ўқув юртилари (сартми бўлими)		Ўрта маъсуф ўқув юртилари	
		Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик
1	Сирдарё тумани	67	40,5	33	41,0	7	35,3	27	41,4
2	Ховос тумани	98	52,0	63	52,5	22	49,1	13	54,7
3	Гулистон тумани	120	45,3	81	45,2	25	41,8	14	52,2
4	Сайхўноб тумани	104	46,4	75	45,8	9	41,4	20	50,8
5	Шароф Рашидов тумани	125	50,0	84	46,6	11	53,0	30	58,4
6	Бовёв тумани	125	41,8	86	41,7	20	40,1	19	43,9
7	Мирзаобод тумани	55	44,4	37	44,7	13	45,1	5	40,6
8	Меҳнатобод тумани	25	50,8	17	50,0	2	62,5	6	49,1
9	Оқолтин тумани	59	44,3	40	47,1	12	35,4	7	43,3
10	Сирдарё шаҳри	20	45,4	14	44,4	2	26,4	4	58,3
11	Янгийер шаҳри	67	49,2	54	49,7	5	43,9	8	49,0
12	Ширин шаҳри	12	47,0	4	52,8	4	43,8	4	44,4
13	Гулистон шаҳри	125	45,4	94	45,5	26	44,6	5	49,4
Жами		1002	46,2	682	46,1	158	43,5	162	49,5

Сирдарё вилояти бўйича жавоблар самардорлиги

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача нобисбатлар		Олий ўқув юртилари (кундузги бўлими)		Олий ўқув юртилари (сартми бўлими)		Ўрта маъсуф ўқув юртилари	
		Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик
1	Сирдарё тумани	43	25,9	35	24,2	8	33,3	3	33,3
2	Ховос тумани	58	27,2	46	27,7	12	25,2	2	25,2
3	Гулистон тумани	68	24,3	52	24,2	16	24,8	8	26,7
4	Сайхўноб тумани	46	27,1	38	27,2	8	26,7	6	22,2
5	Шароф Рашидов тумани	30	27,9	24	29,3	6	22,2	15	24,6
6	Бовёв тумани	47	24,4	32	24,3	15	24,6	11	20,7
7	Мирзаобод тумани	27	23,6	16	25,5	11	20,7	2	13,9
8	Меҳнатобод тумани	10	25,3	8	28,1	2	13,9	3	19,4
9	Оқолтин тумани	20	20,3	17	20,4	3	19,4	5	28,9
10	Сирдарё шаҳри	10	27,8	5	28,7	5	28,9	11	26,5
11	Янгийер шаҳри	24	24,7	13	23,1	11	26,5	2	18,1
12	Ширин шаҳри	7	28,2	5	29,4	2	18,1	2	18,1
13	Гулистон шаҳри	59	24,7	29	23,4	30	26,0	0	0,0
Жами		449	25,3	320	25,4	129	25,2	0	0,0

Сирдарё вилояти бўйича жавоблар самардорлиги

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача нобисбатлар		Олий ўқув юртилари (кундузги бўлими)		Олий ўқув юртилари (сартми бўлими)		Ўрта маъсуф ўқув юртилари	
		Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик
1	Гулистон тумани	2	29,2	2	29,2				
2	Сайхўноб тумани	2	63,9	2	63,9				
3	Шароф Рашидов тумани	3	38,0	3	38,0				
4	Бовёв тумани	2	48,6	2	48,6				
Жами		9	44,1	9	44,1	0	0,0	0	0,0

Сирдарё вилояти бўйича жавоблар самардорлиги

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача нобисбатлар		Олий ўқув юртилари (кундузги бўлими)		Олий ўқув юртилари (сартми бўлими)		Ўрта маъсуф ўқув юртилари	
		Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик
1	Сирдарё тумани	18	24,5	16	24,8	2	22,2		
2	Ховос тумани	8	24,3	4	24,3	4	24,3		
3	Гулистон тумани	12	27,1	6	30,1	6	24,1		
4	Сайхўноб тумани	25	24,9	21	25,7	4	20,8		
5	Шароф Рашидов тумани	2	16,7	2	16,7				
6	Бовёв тумани	8	20,8	8	20,8				
7	Мирзаобод тумани	4	25,0	4	25,0				
8	Меҳнатобод тумани	3	27,8	3	27,8				
9	Оқолтин тумани	6	23,1	4	22,2	2	25,0		
10	Янгийер шаҳри	3	24,1	3	24,1				
11	Гулистон шаҳри	37	28,8	24	32,2	13	22,6		
Жами		126	25,7	95	26,6	31	23,0	0	0,0

Сирдарё вилояти бўйича жавоблар самардорлиги

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача нобисбатлар		Олий ўқув юртилари (кундузги бўлими)		Олий ўқув юртилари (сартми бўлими)		Ўрта маъсуф ўқув юртилари	
		Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик	Абитуриентлар сони	Самардорлик
1	Сирдарё тумани	156	38,7	25	40,3			131	38,4
2	Ховос тумани	179	46,1	47	53,3	4	63,9	128	42,9
3	Гулистон тумани	286	41,8	87	45,7	2	44,4	197	39,7
4	Сайхўноб тумани	175	35,7	46	38,6			129	34,6
5	Шароф Рашидов тумани	135	45,1	43	49,7	3	44,4	89	42,9
6	Бовёв тумани	248	41,7	79	47,3	2	29,2	167	39,2
7	Мирзаобод тумани	134	37,4	23	41,9			111	36,5
8	Меҳнатобод тумани	46	42,7	13	48,1			33	40,6
9	Оқолтин тумани	101	37,0	17	34,6	3	56,5	81	36,7
10	Сирдарё шаҳри	21	37,7	7	46,8			14	33,1
11	Янгийер шаҳри	74	41,6	16	47,4			58	40,0
12	Ширин шаҳри	10	61,4	5	65,0			5	57,8
13	Гулистон шаҳри	103	40,2	49	45,2			54	35,6
Жами		1668	40,9	457	45,8	14	50,4	1197	38,9

Сирдарё вилояти бўйича жавоблар самардорлиги

№	Т
---	---

Istiqlof farzandlari

Tadbir

РАССОМНИНГ ИЖОДИЙ КЎРГАЗМАСИ



Mustaqil Uzbekistonmizning gullab-yashani kelaajimisi bulgan vshlarimizning kulinadidir. Yurtboshimimiz tomonidan...

қолдим. У 12 ёшида тўққинчи синфни аъло баҳолар билан тугатибди. Хайрон бўлдингизми, ҳа, мен ҳам олдинга хайрон бўлдим.

— Санжар, ҳозир таътил пайти бўлса, болаларнинг ҳаммаси мазза қилиб дам олишяпти. Сен бўлсанг қўлингга китоб, уйга беркиниб олиб нималарни ўқиясан?

ПАРВОЗ ЭТАВЕР, САНЖАР!

ҳаббат опа очик чехра билан кутиб олдилар. Опадан ўгли Санжар ҳақидаги фикрларини сўрадим. Албатта, мен кутганимдек фикрлар айтилди.

вақт топилади, — деди у кузлари чақнаб, — лекин мен иқтисодчи бўлишим керак. Ойимнинг айтишига қараганда, иқтисодчи бўлиш учун кўп ўқиш керак экан.

— Билмадим. Яхши ўқиганим учун муддатидан олдин синфдан синфга кучиришди. Устозларим томонидан билдирилган бу ишонач мени янада гайрат билан ўқишга ундаяпти.

— Қўйналмаясанми? — Бунинг қийин жойи йўқ, фақат ўқиш урганса бўлди.

Бундай келажаги порлоқ ёшларимиз ватанимизнинг гуллаб яшнашида, янада ривож топишида ҳиссаларини қўшади. Хуллас, Санжардан келажақда ўз соҳасининг билимдони, яхши мутахассис чиқишига ишончим комил.

Л.СУВОНОВ

Пойтахтимиздаги ўзбекистон хоржий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти кенгашининг кўргазмалар залда «Ўзбекистон—Қозоғистон» дўстлик жамияти ва республикамиздаги қозоқ миллий-маданий маркази ташаббуси билан ўзбекистон халқ рассоми, академик Малик Набиёвнинг ижодий кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Балий Академиясининг фахрий аъзоси Малик Набиёв соҳибқирон Амир Темур портретини яратган ноёб истеъдод эгасидир. Шу кунги кўргазмада муаллимнинг «Саркарда Амир Темур портрети», «Амир Темурнинг ешик ҳинди» ҳамда Мирзо Бобур, Ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ар-Розий, Файзулла Ҳужаве каби халқимизнинг улғў сиймолари портретлари, «Ҳинд деҳқони», «Йўлда. Марокко» этюдлари, «Баҳор келди» натюрморти, «Ўзбекистон тарихи», «Амир Темурнинг Тухтамышхон устидан қилган галабаси» каби тарихий жанрдаги ишлари томошабиллар ўзгиртиришга ҳавола этилди.

— Малик Набиёв ҳаётининг 60 йилдан зиёдигини санъатга бағишлади, — деди Халқ таъли-

кур таассурот қолдиришди. Буюк сиймоларнинг портретини яратишда нималарга асосланасиз, деган саволимизга Малик Набиёв қуйилганча жавоб берди.

— Авваламбор, ҳақиқий асосланган тарихий китобларни ўқиб, ўқиб, сунг портретни яратишга утаман. Буюк аллома ҳаёти турғисида маълумотларни қўмурсанлар қараб, уша даврга ишланган ундан ортықроқ миниатюралар билан танишим. Бу борда Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Британия, Париж музейларидаги экспонатлар устидо ишладим. Лекин ҳар жойда саркарда қиёфаси ҳар хил берилган. Масалан, Ҳиндистонда унинг қийими ҳинди бўлса, типажам ҳам шундай яратилган. Шунинг учун ҳам Амир Темурнинг ҳаёти турғисидо арабча ёзилган қўзмаларини (буни — Абайдулла Уватов таржима қилган) ўқиб ургандим.

Шунингдек, алломанинг қайсирида жихатларини, масалан қўшу кузларининг қатталиги, чимиридан қўшларини ҳаётдан топдим. Автостанция, вокзалларда қишлоқлардан келган одамларни қўриб, уларнинг қиёфаларини альбомга тушириб, узок муддат ишладим.

— Малик Набиёв ҳаётининг 60 йилдан зиёдигини санъатга бағишлади, — деди Халқ таъли-

ми вазири Жура Йўлдошев. — Айниқса, бу киши тарихий манбалардан унумли фойдаланиб, халқимизнинг буюк фарзандларини образларини ярато билганлиги ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

Шунингдек, вазири «Ўзбекистон—Қозоғистон» дўстлик жамияти раиси сифатида келажакда дўстликда «Ўзбекистонлик рассомларнинг нитиҳида қозоғистонлик буюк сиймолар» кўргазмасини ташкил этасиз деган эзгу тиланини изҳор этиди.

Нурлан УСМОНОВ

Maktabgacha tarbiya

Ўйнаб-ўйнаб ўрганамиз

Пойтахтнинг Шайхонтохур туманидаги 171-болалар боғчасида ТШУМОИ мактабгача таълим бўлими ташаббуси билан «Болаларнинг уйғун камол топишида хоржий тил ўргатишнинг ноанъанавий иш услублари» мавзусида шаҳар семинари бўлиб ўтди.

таб мажмуи тарбиячиси З.Цойи) мавзуларида машғулотлар намойиш қилинди.

Кенгашда «Болаларнинг уйғун камол топишида хоржий тил ўргатишнинг ноанъанавий иш услубларини қўллаш» бора-сида мунозара давраси бўлди.

Ийгилишда Халқ таълими вазирилик мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Х.Аҳмедова, ТШХТББ мактабгача таълим бўлими мудири Ф.Ваҳобова, ТШУМОИ директорининг ўринбосари У.Зийёев, мактабгача таълим услубчилари, туман халқ таълими бўлими тарбиячиси Ю.Василевская), «Мен туғилган кун» кўнгил очиш соати» (107-болалар боғчаси тарбиячиси Г.Албекова-инглиз тилида), «Эртаклар — яхшиликка етаклар», «Овчи ва бўри эртаги» (248-болалар боғчаси араб тили ўқитувчиси С.Қодиров), «Ўкув йили кўрсаткичлари натижаси» (84-боғча-мак-

Болаларни мактабга тайёрлаш ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан биридир. «Таълим турғисидо»ги Қонуи ва «Қадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да болаларни 5-6 ёшдан мактабга тайёрлаш ва 6-7 ёшдан мактабга қабул қилиш лозимлиги қайд этилган.

Болалар масканига пешин пайтида кириб бордик. Кичкинтойлар сузиш ҳавзасида мазза қилиб чўмилишяётган экан. Тайёрлов гуруҳлари тарбиячилари ҳам чўмилиётган болаларни назоратсиз қолдирмасдан, уларни тинчитиб, сўнгра биз билан сўхбатлашишга келдилар.

Боғчада 14 та гуруҳ мавжуд бўлиб, 360 ўғил-қиз таълим-тарбия олаёттир. 70 дан ортық дилбандлар бу йил мактаб оstonасига қадам ранжида қилдилар. Тайёрлов гуруҳлари (учта гуруҳ) болаларига Наргиза Мусаева, Хури Исломова, Наима Саидахмедова лар ўйин орқали таълим-тар-

бия бериб мактабга тайёрлашмоқда. Боғчадаги ҳар бир гуруҳ ўз йўналишига эга. Халқ озаки ижодини ўргатиш, экологик, жисмоний тарбия, иқтисодий таълим ва бошқалар шулар жумласидандир.

«Муъжизалар майдони» ўйинида ширинтойлар лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосини ўзлаш-

БИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИЗ

тирадилар. Унда «Бозордан парча» сахна қўринишида болалар пул, муомала, нархни тушириб харид қилиш ҳақида тушунчага эга бўладилар.

Яқинда тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Н.Мусаева иқтисодий таълимға оид оқич машғулот ўтказди. Машғулотға ота-оналар ҳам таъриф бурюрдилар. Комплекс тарзида уюштирилган машғулотда уч йилдан буён қилинаётган ишлар натижаси намойён бўлди.

— Жажжи болажонларга, — деди Наргиза Мусе-

ва, — илк ёшдаёқ ахлоқий тарбия бера бошлаймиз. Таълим-тарбия иқтисодға йўналтирилган боис, гуруҳимиз нуридийдаларига иқтисодий таълим бўйича кучлироқ билим берилди. Оқич машғулотда болалар бозор, бозор иқтисоди, банк, савдо-сотик, сон, миқдор ҳақида қандай тушунчага эга эканликларини кўрсатдилар.

раларини ўргандилар. Мазкур масканда болаларни жисмонан чиниқтиришға ҳам алоҳида аҳамият берилди. Ҳар кун эрталабки гимнастика мусиқа садолари остида мунтазам ўтказилади. Ритмик гимнастика машқуларига жажжилар жуда қизиқиб иштирок этадилар. Ҳуқоридо айтганимиздек, сузиш ҳавзаси болақайлар хизматидо.

тайёрлаш бўйича тест саволлари тузилган. Жумладан, Ўзбекистон Президенти ким? Мевалии манзарали даракларнинг бир-биридан фарқи нимада? Уй ва ёввойи ҳайвонларнинг хусусиятлари нимадан иборат? Яшаб турган маҳалла, кўча, шахрингизнинг номи қандай? Шунингдек, ижодий ҳикоя, расмға қараб ҳикоя тузиш, ўтилган машғулотларни эслаш, фикрлаш орқали ҳикоя тузиб, болаларнинг нуқтини ўстириш, мантикий фикр доирасини кенгайтиришға алоҳида эътибор берилди.

Мана, масалан 6 яшар Музаффар Бахтиёровнинг нуқти равои, ўргатилган машғулотларни зудлик билан ўзлаштириб олмақда. Боғча жамоаси 311-мактаб билан ҳамкорлик ўрнатган. Тайёрлов гуруҳининг иқтидорли болалари мактабнинг лицей синфларида, қолганлари оддий синфларда таълим оладилар.

Ҳа, келажагимиз ворислари бўлишимиз дўмбоқчаларға таълим-тарбия бераётган болажон, фидойий мураббийлар сафи кенгайверсин.

Дилбар ХУҲАЕВА

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz?

«БАЖАРАМИЗ» БИЛАН ИШЛАР БИТМАЙДИ

Янги ўқув йилига илм масканлари пешма-пеш тахт қилиб қўйилмоқда. Айрим мактабларда истиқтиш тармоқларини ялши созлаш, умумий фойдаланиш шаҳобчаларини қисман таъмирлаш юмушлари қолди, холос. Хўп, бутун мамлакат ўқитувчи, тарбиячи ва ўқувчилари учун ибрат масканлари ҳисобланган Абдулло Авлоний номидаги республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида қатор ибратли ишлар амалга оширилган.

Сирасини айтганда, А.Авлоний номидаги республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида қатор ибратли ишлар амалга оширилган. Тоилар янгидан таъмирланган, иссиқлик тармоқлари қисман тайёр ҳолатта келтирилган. Институт гузлорларини кўрган кишининг бахри дили очилди.

Бироқ рейд давомидо институтга ақволининг мактабларни даражада эмаслиги аён бўлди. Ўқув биносининг 3-қаватидоги ишлар таъмирға муҳтож. Таъмирлаш ишлари бошлангану, аммо сифати яхши эмас.

Профилаториянинг пош ва шифтлари ҳам таъмирғалаб. Туртинчи қаватига сув даярли чиқмайди. Ушбу мақсадлар учун институтта бир миллион 800 миғ сум ажратилган. Лекин бу маблағнинг қанчаси сарфланганини мутасадди раҳбарлар айтиб беришя олмади.

Рейд аъзоларини институт ётоқхонаси атрофидоги манзаралар ҳам қаттиқ ранжитди. Мевалии дараклар сувсизликдан қуриш ҳолатига келиб қолган. Ҳовли тозаланмаган, тарвуз пучоқлари, буш идиш-

лар, ҳар хил овқат қолдиқлари деразалардан ташқарига шундай ташлаб юборилаверган.

Мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлар турувчи Республика курсида алоҳида эътибор қилинаётган бир қарашдаёқ сезилди. Ҳовли ҳар куну сув сепаб, сулурилар экан. Машғулот хоналари, кутубхона ва даҳлизлар ҳам сифатли таъмирланган.

— Вазирлигимиз ижодиёт марказида эса саранжом-сарипатликка алоҳида эътибор қилинаётган бир қарашдаёқ сезилди. Ҳовли ҳар куну сув сепаб, сулурилар экан. Машғулот хоналари, кутубхона ва даҳлизлар ҳам сифатли таъмирланган.

Рейддан қўзланган мақсад

ҳам аслида фақат танқид қилиш эмас, балки амалий ердاملарсиз, кундалик бажариладиган юмушларнинг улда-жулдалиги рейд аъзоларини қаттиқ ранжитди. Шу боис штаб бошлиғи, Ўзбекистон республикаси халқ таълими вазири уринбосари Мурғоз Султонов масалани кескин қўйди:

— «Бажарамиз» билан ишлар битмайди. Бизга рейд аъзолари қайд этган камчиликларни қачон бартараф этишингизни айтинлар, штабдан қандай ердам керак, шуни гапирин?

Мутасадди раҳбарларнинг белгиланган вазифаларға қандай ёндашиш борасидоги фикрлари тинглангандан сўнғ қайси ўқув даргоҳига қанча маблағ ажратилган, қандай ва қанақа ердам уюштириш, таъмирлашға қўшимча кучларни жалб этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Мутасадди раҳбарларға тегишли топшириқлар берилди. Рейд аъзолари эса бу масалаға яна қайтишни режалаштиришди. Кискаси, рейд давом этади.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

ИҚТИДОРЛИЛАР ИСТИРОҲАТДА

Шу йил июнь ойида Ромитон тумани ҳокимияти ва халқ таълими бўлими биргаликда иқтидорли ёшлар санаторий-оромгоҳини ташкил этишганди. Оромгоҳ Низомига асосан фанлар бўйича бўлиб ўтган туман, вилоят олимпиадаларида фаол иштирок этиб, юқори балларни қўлга киритган ўқувчилардан 90 нафарни таллаб олинди. Улар мавсум давомидо уч гуруҳда 30 нафардан бўлиб дам олишди.

Ш. ҲАСАНОВА

Fanimiz fidoyilari



Инсон ҳаётида шундай лаҳзалар бўладики, бу вақтда унинг ҳаётида ҳаёт йули узунинг қийинчиликлари, баланд-пастиликлари, бурилиш нуқталари, шухрат чуққилари билан биргаликда тула намойён бўлади. Юбилей кунлари ана шундай лаҳзаларға бой даврдир. Ҳа, албатта таваллуд кунидо инсоннинг туғилган кунини, мактабга боргани, қайси олий ўқув юртини битиргани ва шунга ухшаш аниқ тарихий маълумотларни эслаш одат тусига кирган.

РАҚАМЛАРГА БАХШИДА УМР

тижалар ҳосил қилиш еки XX-аср математиклари учун муаммо бўлган Гильбертининг 14-масаласига борлиқ масалани хал қилишға ҳисса қўлиш, айниқса, сенинг номи-нинг билан аталадиган теорема ҳосил қилиш, бундай воқеаларни аниқ рақам билан ифода қилиш, тайн кун билан боғлаш қийин. Чунки бу воқеалар ҳаёт мазмунини ташкил этиб, шахсининг камолоти билан боғлиқ кетган.

Жаввот ака камолот чуққисидо ҳам тиниб-тинчимайдиган, изланувчан олимдир. У Америка математиклар жаияти, Сорос, Тубитак-Нато грантларини олишға муваффақ бўлган. Югославия, Швеция, Франция, Туркия давлатларида илмий сафарларда бўлиб, бу давлат олимлари билан республикамиз олимлари орасида илмий ҳамкорлик ишларининг ривожланишига қатта ҳисса қўшмоқда.

Гулмирза ХУДОЙБЕРГАНОВ, Тошкент Давлат Университети механика—математика факультети декани, профессор

Xullas...

МАКТАБЛАРДА ПАТРУЛЬ

Билиб-билмай жиниятга кул урган усмирлар Японияда жуда кўп учрамоқда. Полиция бошқармасидан берилган статистика маълумотларга қараганда, бу йил қотиллик, босқинчилик ва бошқа жиноятларда 2263 нафар усмир қўлга олинган. Бу ўтган йилларга қараганда 51,3 фоиз кўпдир.

Япония халқ таълими вазирлиги назоратнинг қаттиқ режимида ўрта мактабларда йўлга қўйишга қарор қилди. Барча мактабларда шу мақсадда, патруллар қўйилди. Патруль ўқувчининг кўча-қуйда, жамоатчилик орасида, мактабда юриш-туришини назорат қилади.

Табийки, ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракати назорат остида эканлигини ҳис қилган болалар уйлаб қадам босишга эришади. Демак, жиноятларнинг кескин камайишидан ўзимизнинг ҳам мумкин...

ХИД ТАРҚАТУВЧИ ДИСКЛАР

Европа ва АҚШда хид тарқатувчи компакт-дисклар пайдо бўла бошлади.

Бундай дисклар қўйилганда хонани ҳар хил хидлар тўтиб қетади. Шу боис, мусиқа ишқибозлари кўпроқ шундай дискларни йиғишга тушиб кетишиди. Германиянинг Лейпциг шаҳридан Алоиз Обермайер шундай компакт-диск йиғиш бўйича «чемпион»дир. Унинг бисотида 80 дан зиёдроқ шундай дисклар бор. Алоиз уйдан чиқмай туриб, бир неча секунд ичида денгиз қирғоғида «булади». Шунингдек, ўрмонда оловнинг чирс-чирси «маҳлиб» бўлиб ўтириши, ёмғирдан кейин ўт-ўланлар ҳидидан «нафас» олиши мумкин.

Бундай гаройибот ҳақида «Гамбургер абенд-лат» (Немис газетаси) хабар беради.

ИТЛАР ТУФАЙЛИ...

Цорупи номли санаторийга 3 шифокор дам олгани келди. Уларнинг ёнларидан ажойиб эрмак — доберман ва ротвеллер итлари ҳам бор. 59 ёшли санаторий қоровулнинг ити хурсанд, чунки унга янги шериклар топилди.

Меҳмон итлар қоровулнинг овчаркаси билан тил топа олишмади. Таваб деб, ёқа ушлайсиз. Итлар шу қадар бир-бирига ташланиб тўполон қилишдики, санаторий биноси кучиб кетгудек бўлди.

Қоровул эса ўз итининг ҳимоясига отланиб, врачларни ота бошлади.

Воронежда чиқадиган «Молодой коммунар» газетасининг ёзишча, врачлардан бири бошидан ва бошқаси қорнидан ўк еган. Қоровул милиция ходимлари томонидан қўлга олинган.

Итларнинг келишмовчилиги уларнинг эгалари орасига ҳам низо солиб қўйди. Ҳа, сабабсиз оқибат йўқ...

ana shunaga gaplar

maydonchasi

ЕЛЬЦИННИНГ ТАБРИГИ

Россия Президенти Борис Ельцин Франция Президенти Жақ Ширакка табрик телеграммасини жўнатди. Унда асосан жаҳон чемпионлигини қўлга киритган французларнинг ажойиб футбол ўстаси эканлиги тилга олинган. Телеграммада таъкидланишича, французларнинг галабаси рус футболчиларини ҳам илҳомлантириб юборган.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БУЛАДИ

Карате бўйича жаҳон чемпионатида кўтилмаган воқеалик юз берди. Ярим финал учрашувларидан бирида доғистонлик Сулаймонов рақибини қучли зарбаси билан нокаутга учратди. Натيجида унинг рақибини икки қўл хўшсиз этди. Учинчи кун эса бутунлай оламдан ўтди. Ачинарлиси шуки, қурбон бўлган рақиб ҳам айнан доғистонлик.

КАСПАРОВ ГАЛАБАСИ

Францияда ўтказилган Х Халқаро мусиқачилар фестивалида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ҳам иштирок этди. Чемпион бир йўла 25 рақибига қарши донна суриб 2 соат 47 дақиқа ичида соф галабага эришди. Бундан хайратга тушган мусиқа ишқибозлари Каспаровдан 11 мингта дастхат олдилар.

РОНАЛДО ҲИСОБДА ЙЎҚ

Жаҳон чемпионати ўйинлари тугагач, кўпгина мутахассислар дунёнинг рамзий терма командасини тузишмоқда. Собик жаҳон чемпиони Франц Беккенбауэрнинг тузган терма командасида бразилияликларнинг ҳужумчиси Луис Роналдога ўрин қолмади. Таркибининг асосий аъзолари сифатида Франция, Голландия терма командаларининг футболчилари танланди.

БЕККЕНБАУЭР АКАДЕМИЯСИ

Немис футболни яна оёққа туртиш мақсадида, янги бир улкан ишни бошлаш арасида турибди. «Бовария» клуби томонидан «Беккенбауэр номли футбол академияси»га асос солиш режалаштирилди. Унинг мақсади — мамлакатда футболни янада юқори чўққиларга қўтаришдир.

ҲИКОЯТ

Қадим замонда бир одамнинг хизматкори буларди. Бир куни ҳожаси унга: «Бугун энг яхши нарсалардан овқат тайёрла», деди. Хизматкор кўйининг тилдан лаззатли таом пишириб, ҳожаси енига келтирди. Ҳожа сурди: «Бу таомни нимадан тайёрладдинг?» Хизматкор жавоб қайтарди: «Кўйининг тилдан, зеро ўзингиз энг яхши нарсалардан овқат тайёрлашини буюрддингиз. Тилдан ҳам яхшироқ нима бор дунёда?»

Бошқа бир куни ҳожа синмамоқ ниятида хизматкорига деди: «Бугун энг ёмон нарсалардан тайёрланган овқат ейишни хоҳлайман». Хизматкор кейинги марта ҳам кўйининг тилдан таом тайёрлади. Ҳожаси таомни кўргач, сурди: «Бу емнишнинг нимадан тайёрладдинг?» Хизматкор жавоб берди: «Кўйининг тилдан, зеро ўзингиз энг ёмон нарсалардан овқат тайёрлашини буюриб эдингиз. Дунёда тилдан ҳам ёмонроқ нима бор?»

— Тил ҳам энг яхши, ҳам энг ёмон нарса була олиши мумкинми? — таъжубланиб сурди ҳожа. Хизматкор жавоб берди: «Ҳа, жаноб, тил ҳам энг ёмон, ҳам энг яхши нарсалар, зеро яхши ва ҳақиқатни айтганида ундан яхшироқ нарса йўқ ва агар ёмон ва ёлгон суйласса, ундан ҳам ёмон нарса борми дунёда?»

Форсчадан Норали АСЛОН ўғли таржимаси

Самарқанд вилоятида вилоят ХТБ ташаббуси билан 4 босқичда вилоят ва республика IV спартакиадаси ўтказиш ташкилий қўмитаси тузилган. Унга ВХТБ бошлиғи А. Бекмуродов бошлиқ этиб тайинланди. Мусобақалар уч босқичда ўтказилди. Вилоятда ва республика биринчилигида ўқувчилар яхши натижаларга эришдилар.

Умуман, ютуқлар айтса талайгина. Иכותи эса, вилоятимиз республика биринчилигида Ташкент шаҳридан

ларга иштирок этмадилар. Булуғур туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабидан эркин кураш бўйича 146 ўқувчи 3 мураббий, юнон-рум кураши бўйича 132 ўқувчи 3 мураббий ва баскетбол бўйича 220 йигит-қизга 5 мураббий; Гузалкент тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби футбол бўлимида 207 ўқувчи 4 нафар мураббий, Нарпай туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан энгил атлетика бўйича 140 нафар ўқувчи 3 мураббий, волейбол бўйича 130 ўқувчи

БИРИНЧИ БЎЛИШИМИЗ МУМКИН ЭДИ-КУ?

сўнг 2- вилоятлараро эса 1-ўринни эгаллагандир. Вилоят биринчилигида Самарқанд шаҳри 1-ўринни, Оқдарё тумани 2- Ургут тумани вакиллари эса, 3-ўринни эгаллашди.

Юнон-рум кураши бўйича Оқдарё туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар-ўсмирлар спорт мактаби биринчи ўринни эгаллади. Жамоа аъзоси, терма жамоа таркибида Москвада Бутун жаҳон ёшлар олимпиадасида иштирок этдилар.


Ютуқлар қатори камчиликларни ҳам айтиш уринли. Агар Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги болалар-ўсмирлар гимнастика мактаби ўқувчиларни спорт гимнастикаси ва акробатика турлари бўйича мусобақаларга жўнатишганда, вилоятимиз республика IV спартакиадаси якуни бўйича янада яхшироқ натижа кўрсатишган буларди.

Вилоят биринчилиги мусобақаларида Булуғур, Гузалкент, Нарпай, Челек туманларидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабларида спорт турлари бўйича бўлимлар ишлаб туришига қарамадан, айрим спорт турлари бўйича мусобақа-

3 мураббий; Челек туманидаги 1-болалар-ўсмирлар спорт мактаби эркин кураш бўйича 260 нафар ўқувчи 7 мураббий ёшларга спорт турларини ўргатиб келаётганига қарамадан, сабабсиз вилоят мусобақасида иштирок этмаганларини қандай изоҳлаш мумкин?

Булуғур туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби (раҳбари Н. Рустамов) узларига тегишли эркин, юнон-рум, баскетбол, футбол мусобақасида иштирок этишиб, вилоят IV спартакиадаси якунига қўра, сўнгги ўринни эгалладилар. Шунингдек, Гузалкент ва Кушарбот туманлари ҳам пастки погоналардан жой эгалладилар. 1999 йилда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимидаги умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари, лицей-гимназия ўқувчиларининг V спартакиадасида яхши иштирок этиш учун юқориди таъкидлаб ўтилган муассасалар камчиликларни бартараф этиш учун ҳозирдан хулоса чиқариб олсалар, айни муддао бўлар эди.

М. АХМЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози



Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида шаҳар уй-жой қурилиш комбинатига қарашли яхшигина спорт саройи бор. Бу ерда ўқувчилар бадатарбия машғулотлари билан шуғулланишляпти. Спорт саройида кўпгина тўғарақлар билан бир қаторда Шарқ якка кураши — таэквандо клуби ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унга яқиндагина 198-мактабни тугатган, жигарранг бөлбөг соҳибаси Ҳилола Курбонова тренерлик қилишга. Ҳилола бу йили жисмоний тарбия институтига ўқинишга киришни дилга тўккан ҳолда, устози Санжар Мансуровдан маҳорат сирларини ўрганмоқда. Суратларда: Таэквандо клубида машғулот пайти.

Р. Альбеков олган суратлар.

ЭЪЛОН!

Каттақўрғон тижорат техникуми 1998/99 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентларни қабул қилади

КУНДУЗГИ БЎЛИМ (11-синф ҳажмида)

- 1. Банк иши — ўқиш муддати 1 йил 10 ой
2. Аудиторлик — ўқиш муддати 1 йил 10 ой
3. Иқтисодиёт (рус) — ўқиш муддати 1 йил 10 ой
4. Менежмент — русча муддати 1 йил 10 ой

СИРТҚИ БЎЛИМ (11-синф ҳажмида)

- 1. Иқтисодиёт — ўқиш муддати 2 йил 6 ой
2. Бух. ҳисоби. — ўқиш муддати 2 йил 6 ой
3. Аудиторлик — ўқиш муддати 2 йил 6 ой
4. Менежмент — ўқиш муддати 2 йил 6 ой
5. Молия — ўқиш муддати 2 йил 6 ой

Талабалар тест синовлари асосида қабул қилинади.

9-СИНФ ҲАЖМИДА

- 1. Бухгалтерия ҳисоби — ўқиш муддати 2 йил 10 ой
2. Иқтисодиёт — ўқиш муддати 2 йил 10 ой
3. Аудиторлик — ўқиш муддати 2 йил 10 ой
4. Менежмент — ўқиш муддати 2 йил 10 ой
5. Молия — ўқиш муддати 2 йил 10 ой

Абитуриентлар кириш синовлари асосида қабул қилинади. Техникумга кирувчилардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: — техникум директори номига ариза — урта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси — 3х4 ҳажмидаги 6 лона фотосурат — 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома — паспорт (тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) — ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат

Техникумда ўқувчиларнинг яхши таълим олиши, дам олиши учун барча шароитлар мавжуд. Шунингдек, 250 ўрилли ётоқхона, ошхона ва барча қулайликларга эга спорт комплекси талабалар хизматига.

Биз ўқинишга чанқоқ ёшларни ушбу техникумга таклиф этамиз.

Манзилгоҳимиз: Каттақўрғон шаҳри, У. Юсунов кўчаси 70-«А» уй.

Каттақўрғон тижорат техникуми.

Tabib tavsiyasi

ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

Оёқнинг кўп терлаши организм заифлашганда, камқонликда, асаб тизимининг издан чиққанида, шамоллашдан буладиган касалликлар вақтида содир бўлади. Узок йул юрилганда, жисмоний меҳнат қилганда, ёзда оғир пойабзал кийганда, пайпоқлар тез-тез алмаштириб турилмаганда ва кир бўлганда, оёқ кўп терлайди. Оёқ қафтидаги тери тер туфайли бўкиб, тезда яллиғланади. Бармоқ оралари бичилади (тери ёрилади). Терлайдиган оёқларда замбуруғ касалликлари ривожланиши учун қулай шароит мавжуддир. Замбуруғ ҳайвондан одамга юқади. Замбуруғлар терини, сочи, тирноқни шикастлайди. Кўпинча терининг очиқ жойларида кўлда, юзда, буйинда, оёқда, бошда, тирноқда касаллик белгилари учрайди. Замбуруғ касалликларининг энг кўп тарқалган турлари: кепаксимон (кўпчили) темиратики, эритразма, эпидермопигия, микроспория ва трихофития.

Оёқ панжанинг замбуруғ касаллиги кўзгатувчи ипсимон куришидаги замбуруғ бўлиб, яллиғланиш терининг эпидермис ва дерма қаватларида ўзгариши билан бошланади. Бу касалликнинг ўсимидида кўп учрайдиган эпидермофития тури 4 хил куришига эга: кепаклашувчи, оёқ-панжалари орасида учрайдиган, пуфакчали ва тирноқда уч-

райдиган эпидермофитиялар. Шу соҳа олим ва шифокорларининг таъкидлашича, эпидермофития одамга бегона пойабзал, пайпоқ, ички кийим, тупроқ ва ҳоказолардан юқади. Эпидермофития билан айниқса, оёғи кўп терлайдиган кишилар касалланади. Эпидермофития иссиқ иқлимли мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда кўп учрайди. Касаллик узок давом этади ва тез-тез қайталаб туради. Оёқ қафти эпидермофитияси бир неча формада ке-

ман истеъмол қилмаслиги лозим. Оёқларни бот-бот ювиб, пайпоқларни тез-тез алмаштириб туриш зарур. Оёғини ҳар кун сочик билан артиш қийин бўлади. Лекин оёғи терлаган киши ҳар кун оёқларини салқин сувда совиқлаб ювиши, оёқ қафти ва бармоқлари орасини артиб қуритиши, қишда жун пайпоқ кийиши лозим. Оёқларни калий перманганат (марганцовка) солинган пушти ранг илтик

чади. Интертитринозли эпидермофитияда оёқ бармоқлари орасидаги тери бичилиб, устки қавати кўчади, сувланади ва қишиб, ачишади.

Оёқ терлаш ва замбуруғ касалликларининг олдини олиш ва даволашнинг айрим чора тадбирлари: оёғи терлаган киши дастлаб организмни мустаҳкамлаш чораларини қуриши лозим. Унга поливитамиинлар, балиқ мойи жуда фойдали. Бундай кишилар спорт ва гимнастика билан шуғулланиши, спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслиги, чекмаслиги, ўткир, аччиқ зировар ва до-риворларни кам ёки умум-

«гальманин» порошоги сепиш керак. Булар урнига борат кислотаси, куйдирилган аччиқтош ва талькини баробар миқдорда аралаштириб тайёрланган порошок селса ҳам бўлади. Оёқларни пардоз сиркаси билан артиш ҳам терлашни камайтиради. Шу мақсадда ишлатиладиган шарқона дорилардан бири ёғоч қулидир. Қул элакда эланади, сунгра оёққа сепилади. Оёғи терлайдиган киши нейлон, дедерон, капрон, синтетикалардан тўқилган пайпоқ киймаслиги керак. Чунки бундай пайпоқ терни шиммайди. Шунингдек, резинка пойабзал ва тағчарма резина ишлатилган пойабзал кийиш ҳам ярамайди. Бундай пойабзал оёқ терининг бугланишига ҳалақит беради. Чумилиш, қуёш ва ҳаво ванналари кўп терлайдиган кишилар учун жуда фойдалидир. Терининг замбуруғ касаллигини (эпидермофития) шифокор даволайди. Касаллик кечиктириб юборилганда уни даволаш анча мушкул. Шунинг учун эпидермофитияга хос дастлабки аломатлар пайдо бўлганда дарҳол шифокорга учрашиш, билар-билмас даволашмаслик керак. Аёқ ҳолда касаллик авж олиб кетиши ёки экземага ўхшаш аллергияли тошмалар топиши мумкин.

Сафар МУХАММАДИЕВ, доцент

Ma'rifat ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир ҲАЛИМ САИДОВ

Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Нурлан УСМОНОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Руйхатдан утиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга эзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.